

Сайлов — муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

— Олдимизга шу йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақиятли қатнашиш мақсадини куйганмиз, — деди жумладан нотиқ. — Шундай экан, биринчи галда, сайлов кампанияси жараёнида номзодларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратишимиз лозим.



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KITCHER PALATASI

Кузойнак-таржимон хизматингизда бўлади

Япониянинг NEC корпорацияси «TeleScouter» номли кузойнакларни кашф этди. Нима бўпти, дейсизми? Чунки ушбу таржимон кузойнаклар сизга тушунарли бўлган бошқа тилдаги оғзаки нутқни таржима қилиб беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, кузойнак-таржимондан фойдаланилганда ҳорижий тилдаги нутқ нафақат микрофон, балки камера орқали ҳам таржима қилинади.



Соғлом турмуш самараси

Сирдарё вилоятида болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг саломати йилдан йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда вилоятда IV — ТИП болалар спорт мажмуаси қурилди, марказий уйингоҳ, сузиш ҳавзаси, мусика ва санъат мактаби, спорт зали реконструкция қилинди. 6 та умумтаълим мактабларида спорт заллари бунёд этилиб, уларга 98,1 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар етказиб берилди.



АДОЛАТ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 47
(751)
2009 йил,
13 ноябрь,
жума

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

“Адолат” СДП фракцияси ташаббуси

Инновация — рақобатбардош маҳсулот яратиш манбаи

Инновация фаолиятини ривожлантиришга мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимизнинг 1992 йил 8 июлдаги фармони билан инновация жараёнлари кенгайтирилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, инновация ишлари қўшимча қиймат солиғидан уч йилга озод қилинган. Собиқ иттифоқ тарқаб, иқтисод тизими деярли ишдан чиққан, давлатимиз эндигина обққа тураётган бир пайтда, инновациянинг ўта муҳим вазифалар қаторига қўйилиши, ҳамда давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, ушбу вазифанинг нақадар муҳимлигини англатади.

Инновация фаолиятини кучайтириш йўлидаги сайёҳаракатлар бугун ўз натижасини бермоқда. Хусусан, кейинги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот саломатининг барқарор ўсиш тенденцияси ва ҳомаёш етказиб бериш тармоқлари маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани, ташқи бозорда қоньктура ёмонлашувига қарама-қарсидан 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида товар улуши 71 фоиздан зиёددан ташкил этиши, шу йилнинг 9 ойи давомида ҳам ташқи савдо баланси ижобий салдосининг 2,3 миллиард доллардан ортиқ ҳажмида бўлиши фикримизнинг яққол далилидир. Қолаверса, бу кўрсаткичлар ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва ўзбек иқтисодиётига мўлжалланган инноваци-

он фаолият натижасидир. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз дастурийнинг устувор йўналишларида инновацион иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этишни ўз асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Мазкур дастурий йўналишини ривожлантириш борасида партия шу йилнинг бошида «Инновацияни қийлоқ ҳўжа-лиги амалиётига тадбиқ этиш — қийлоқ барқарор тараққиётининг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ўтказган бўлса, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан жорий йилнинг 8 октябр кўни Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзкимёсанот” давлат-акциядорлик компаниясига парламент сўрови йўлланди. Шундан сўнг депутатлар компания кор-

(Давоми 3-бетда.)



Янги дарсликлар кўرғазмаси

Республика ўқувчилар ижодиёти Марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Ўзкимёсанот” давлат-акциядорлик компанияси ҳамкорлигида янги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг анъанавий тўртинчи икки ойлик кўрғазмаси иш бошлади. Унда агентлик тизимидаги “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, “Ғафур Ғулом”, “Чўлпон” номлидаги еткази нашриёт-матбоса ижодий уюшмалари, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ҳамда “Шарқ”, “Маънавият”, “Турон-истикбол”, “Янгийўл полиграф сервис” каби нашриётлар ўзларининг дарслик ва бошқа адабиётлари билан иштирок этди.

Бугунги кўрғазмага қўйилган янги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам мазмун, ҳам сифати жиҳатидан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Мазмун, истиқлолга эришгач, юртимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатилган. Шу нуктаи назардан олиб қаралганда, жойлардаги мавжуд ҳолатлар билан яқиндан танишиш, дар-

сликларнинг янги авлодини яратиш, ота-оналар, ўқувчилар, олимлар, методистлар, мутахассис-педагоглар фикрларини ўрганиш, тақрир-мулоҳазалар асосида дарслик ҳамда ўқув-методик адабиётларни мазмунан, полиграфик ҳамда дизайн жиҳат-

(Давоми 4-бетда.)



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

★ **ТОШКЕНТ.** Пойтахтимизда «PharmExpo Uzbekistan-2009» V-халқаро ихтисослашган фармацевтика кўрғазмаси очилди. Фақат соҳа маҳсулотларида ихтисослашган мазкур кўрғазмага бу сафар 30 дан ортиқ тармоқ компаниялари таъриф буюрган.

Кўрғазма биологик фаол қўшимчаларга эга дори-дармонлар, дерматология медикаментлари, оналар ва болалар фармацевтикаси, шахсий гигиена воситалари, шунингдек, лаборатория тадқиқотлари учун назорат-ўлчов ҳамда бошқарув аппаратлари сингари қатор бўлимларга эга.

Кўрғазмага мамлакатимиз фармацевтика фирмаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қатори чет эл компанияларида тайёрланаётган энг самарали дори-дармонлар ҳам қўйилган.

★ **ФАРҒОНА.** Бувайда бозорларида савдо қилаётган маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари орасида «Аҳмад Тож Хайдар» ёрлиги билан янги тур товарлар пайдо бўлди.

Моҳир тикувчи Зебохон Тожишова ташаббуси билан ташкил топан мазкур мини-фабрика Германиядан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозланди. Ҳозирча 50 нафар малакали тикувчи меҳнат қилаётган корхонада болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Улар мамлакатимизнинг 10 дан ортиқ йирик шаҳарларидан ташқари Қозғоғистон ва Россия каби давлатларга ҳам экспорт қилинапти.

Корхона яқинда «Оққўрғон» ширкатининг собиқ бирониси имтиёзли тарзда сотиб олиб, бу ерда навбатдаги ишлаб чиқариш қувватини ҳаракатта келтириш юмушларига киришди. Бу келгусида жамоага яна 100 нафар қийлоқ хотин-қизларининг муҳим иш жойларига эга бўлишларига имкон берилди.

★ **ХОРАЗМ.** «Хива соволи» масъулияти чекланган жамияти вилоят енгил саноати ишлаб чиқаришда алоҳида ўрин тутди. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари давомида бу ерда 169 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йилнинг ўтган 20 хизмат-етмас совола буюмлар тайёрланган жамият қувватларида кенг ҳажмли модернизация жараёни олиб борилаётган ҳолда уларнинг турли 100 тадан ортиб кетди.

80 нафардан зиёд оққўрғон ишчилик моҳир усталари меҳнат қилаётган корхонада яқинда замонавий лаборатория ҳам иш бошлади. Хива шаҳрида очилган фирма дўкони бу ерда тайёрланган керамика ва чини буюмларига қизиқувчан харидорлар — чет эллик туристлар билан ҳамини гавҳар.

★ **СУРХОНДАРЁ.** Аҳолига эҳтиёж даражасида сукултирилган газ етказиб бериш таъминотини йўлга қўйиш мақсадида «Деновтумангаз» филиали жамоаси қўшимча 8 та янги газ тарқаткиш шохобчаларига эга бўлди.

Янги шохобчалар ишта тушиши билан Дахана, Холчаён, Хазарбег, Юрчи каби қатор маҳаллий аҳолининг газ таъминоти яхшиланди. Маҳаллий корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, «Сурхондарётрансгаз»нинг вилоят бўлимига олиб бораётган бу ишлар лойиҳага етганда сўнг жойларга етказиб берилганга сукултирилган газ таъминотининг узлуksиз бўлиши учун «Деновтумангаз» филиали ихтиёрга 2 та маҳсул автотранспорт ва 400 донга сукултирилган газ баллонлари ажратилган бўлди.

Фахр

Яқинда матбуотда Президентимиз Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобининг тақдироти дунёнинг яна бир давлатида — Уммон Султонлигида бўлиб ўтгани ҳақидаги хабарни ўқидим.

Бугунги кунгача қарийб 40 та мамлакатда ушбу китобнинг тақдироти ўтказилди. Ишончим комилки, бу асарни ўрганишга бағишланган шу каби тадбирлар ҳали турли давлатларда яна кўп бора бўлиб ўтади.

Чунки Юртбошимизнинг мазкур китобида келтирилган инқироз сабабларини бартараф этишга қаратилган илғор ва чуқур ўйланган чораларни, очинини айтганда, дунёнинг манаман деган йирик мутахассислари, хаттоки, иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлган номдор олимлар ҳам илгари сура олгани йўқ.

Истиқлол шуқуҳи

тарихдан хулоса чиқариб, бугунги ҳаётимиздан фахрланишга ундайди

Ушбу китоб бутун дунёда шу қадар катта қизиқиш уйғотгани беҳиз эмас, албатта. Зеро, юртимиз мустақиллигининг дастлабки давриддан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳнамоллигида ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танаб олган ҳамда шу йўлдан дадил ва қатъий, изчил ва босқичма-босқич оқибат бораётган Ўзбекистон бугун жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам қисқа, ҳам ўзқ мўддатли истиқболда юқори иқтисодий ўсиш суратлари, ташқи савдо ҳамда тўлов балансининг барқарор ҳолати сақланиб қолдиган санокли мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Хўш, биз бу юксак натижани ўз-ўзидан, осонгина қўлга киритдикми? Йўқ, албатта. Шундай экан, бугунги дорилармон кунларимиз қадрига етмоқ учун, аввало, бундай бахт-саодатга қанчалик машаққатлар эвазига эришганимизни чуқур англаб, шукрона айтишимиз, ёруғ келажагимиз билан фахру ифтихорга тўлишимиз ҳам қара, ҳам фарздор.

(Давоми 3-бетда.)

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Сайлов — муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

унга пухта ҳозирлик билан келган, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллик кўрсатган сиёсий кучгина кўзлаган мақсадига эришади

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашларининг Пленумлари бўлиб ўтди. Уларда ҳудудий партия ташкилотларининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларидаги иштироки тўғрисидаги масала қизгин муҳокама қилиниб, сайлов кампаниясида фаол ва ҳамжиҳатлик билан қатнашиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Тошкент шаҳри. «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг II Пленуми иштирокчилари партия ташкилотининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловларидаги иштироки юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Утаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман

ҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик билан келган, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллик кўрсатган сиёсий кучгина кўзлаган мақсадига эришиши мумкин.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг яқинда бўлиб ўтган V Курултойида белгилаб берилган партиянинг давлат ҳокимияти қонунчилиги ва вакиллик органларида бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши бўйича устувор вазифалар кўриб чиқилди. Сузга чиққанлар мамлакатнинг демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда «Адолат» СДПнинг ўрни ва роли белгиланган сайловолди дастурийнинг асосий қоидалари ҳусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

(Давоми 2-бетда.)

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обуна бўлинг.

Нашр индексимиз — 100.

Абдурафиқ АХАДОВ,
Ўзбекистон Республикасида
Хизмат қўйган адиб


ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

18 ноябрь — Ўзбекистон
Республикаси Давлат байроғи
қабул қилинган кун

Ватан тимсоли

миллатимиз
ўтмиши,
бугунги ва
келажаги
рамзи —
Байроғимиз
ҳақида ҳам
хотира, ҳам
фахр



Хамон эсимда, 1991 йил, 18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессияси. Навбат — кун тартибиданги Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тасдиқлашга келди. Минбарга мустақилликка эришган эришган Давлатимиз байроғи илк бор олиб чиқилди. Ҳамма ўрнидан туриб, гулдурас ва давомли қарсақлар чала бошлади. Давлатимиз раҳбари дам байроққа, дам залга боққанча деди:

— Чиройли-а?!

Яна қарсақлар чалинди. Очиги, депутатлар байроққа махлиб бўлиб қолишганди. Ундаги ранглар, ой ва юлдузларга тикилиб, ҳар ким ўзича ҳар хил таъриф бераётганди. Олий Кенгашнинг ўша кездаги тегишли кўмитаси раиси сўзга чиқиб, сессия иштирокчиларига уни шундай тушунтириб берди:

— Байроқдаги мовий ранг — тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва об-ҳаёт рамзи. Бу тимсол ахшилик ва донишмандликни, ҳалоллик ва покликни, шон-шухрат ва садоқатни англатади. Қолаверса, соҳибқирон Амир Темури бобомиз ўрнатган буюк давлат байроғи ҳам мовий рангга бўлган...

Оқ ранг — тинчлик ва оқсоқликнинг рамзи. У кун чароғонлиги ва осмон (қоинот) ёриткичлари билан ҳамроҳ. Бу ранг — ёруғлик, софлик, покизалик, тиник орзу ва ҳаёлар тозаллиги, кўнгил ойдинлиги, беғуборлиги, барқиратилган раҳмат. Бир сўз билан айтганда, одамнинг ички гўзаллиги, маданияти, маърифати ва юксак маънавияти интилиши ифодаси...

Яшил ранг — табиатнинг янгилини тимсоли. Унга ҳамма халқларда нафисликлари, умид, шодлик-шодумонлик белгиси сифатида қараб келинади. Дилларга баҳорий уйғоқлик муҳаббатининг солади, ўзгариш, яшарлиш туйғуларини олиб киради...

Ярим ой — халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари, урф-одатлари билан боғлиқ. Хусусан, у — шу йил 1 сентябрдан бошлаб, мустақиллик деган энг улуғ, энг азиз сана — бошимизда ой балқан кунга ишора...

Юлдузлар — дунёдаги барча эл-улус учун илоҳий, руҳий тимсол. Байроқда уларнинг 12 та эканлиги қадим-ги кўёш йилномасига алоқадор тушунча. Шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон сарҳадларида жойлашган қадимий туркий давлатлар илмий тафаккурида «Нухум» — фалакиёт илми тафаккури бўлган. Демак, 12 та юлдуз тасвири — ўзбек халқи маданиятининг қадимийлигини, унинг доим қомиллик сари интилишини, ўз Ватани ва ўз тупроғига чекиш садоқатини намоён этади.

...Уша кезларни эслар эканман, юртимизда истиқлол экинлари эса бошлаган дастлабки давларда қандай унутилмас тарихий кўнларнинг шохиди бўлганимдан ҳали-ҳали фахрлиниб, қувониб юраман.

Дарвоқе, Ўзбекистон байроғидаги мовий, оқ ва яшил рангларда, ой ва юлдузларда халқимизнинг узок ўтмиши, орзу-истаклари, ёруғ келажаги ўз аксини топган. Хали совет тузуми, унинг давлат рамзлари амал қилиб турган бир пайтда — 1990 йилнинг март ойида бўлган парламент сессиясида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёш, мустақил давлатимиз рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Орадан кўп ўтмай, бу сессияда кун сайин куч ва илҳом олган истиқлол саз-ҳаракатлари ҳосиласи — мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

Мана, озода ва обод Ватанимизнинг муқаддас байроғи қабул қилинганга 18 йил тўлди. Ўн саккиз йилдирки, миллиятимизнинг музаффар ялови наинки мамлакатимизда, дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари пеш-тоқида ҳам ривожланган етакчи давлатлар байроқлари билан ёнма-ён ҳилпираб, миллат шон-шаъватининг ифодаси сифатида балкиб турибди. Жаҳондаги кўплаб давлатлардаги Ўзбекистон элчихоналари тепасида ўтмиши ҳам, келажаги ҳам буюк давлатимизни танитиб, таништириб турибди. Халқаро мусобақаларда гоилиблики кўлга киритган спортчиларимиз юртимиз байроғини юксакларга кўтарганча энг юқори шон-шавкатлардан жой олмоқда. Уларнинг ўшандай кезларда байроқни ўлаётиб кўзларидан қалқиган севинч ёшларини кўрганмисиз?!

Ҳа, Ватан деган азиз ва лазиз тушунчанинг мазмун-моҳиятини теран англаган ҳар бир тирик кун борки, унинг Байроғи олдида шаксиз юраги ҳалқиб, қалби тўлқинланиб кетади. У — Ватан каби мўтабар, Ватан каби муқаддас, ахир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ўзгулик манбаи

- А Ж О Д А Л А Р У Г И Т И
- Тўғри сўзлаш ва тўғри ишлаш;
- Халол, пок меҳнат қилиш;
- Барчага инсоф, адолат билан муомала қилиш;
- Нафс орзуларига ортиқча берилмаслик;
- Олим-фозиллар билан суҳбатлаш;
- Катталарнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш;
- Кичикларга шафқатли, марҳаматли бўлиш;
- Чин ва самимий дўстлик;
- Муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон қилиш;
- Нодонларга насихат этиш, маслаҳат бериш.

Абу Али ибн СИННО.

Янги дарсликлар кўرғазмаси

(Давом. Бошланғич 1-бета.)

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури» ва Президентимизнинг 2006 йилдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида Давлат таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, шунингдек, умумий ўрта таълим ўқув режа-дастурларини такомиллаштириб, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув қўланмаларини яратишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди Халқ таълими вазирлиги Таълим маркази методисти Масъуда Зокирова, — 2009-2010 ўқув йили режасига кўра, умумтаълим мактаб ўқувчилари учун 315 номда (50 номдагиси янги нашр) жами 22 миллион 658 минг 862 нускада дарслик ҳамда методик қўланмалар нашр этилди. 2010-2011 ўқув йили учун ҳаракат ҳозирдан бошлаб юборилган. Айни пайтда 471 номдаги 33,7 миллион нуска дарсликларни чоп этишга буюртма берилди. Матбаа маҳсулотлари сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш, яратилаётган адабиётлар, жумладан ўқув адабиётлари ва дарсликлар савиясини кўтаришга жиддий эътибор бераёلمиз.

Китоб — одамзот яратган муъжизалардан бири. Билми манбаи ҳисобланган дарсликлар эса баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бундай кўрғазмани ташкил этиш республикамизнинг барча жойларида давом эттирилади.

Муродула ФАҲУРОВ,
«Adolat» мухбири.



Соғлом турмуш самараси

эришган ютуқларимизда кўзга ташланмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори Норбобо СОАТОВ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш орқали соғлом ва ҳар томонлама бакуват авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қўрилган чора-тадбирлар эвазига замон талаблари асосида минглаб спорт мажмуалари, мактабларда эса спорт заллари қўрилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда айни пайтда баркамол авлод ўзи севган спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда. Қувонарлики, мамлакатимизда ёшлар нафақат юртимизда, балки, халқаро олимпиада ва мусобақаларда ҳам биринчиликни кўлга киритиб, ватанимиз обрў-эътиборини оширмоқда, шухратига шухрат қўша-япти.

«Умид нихолари — 2009»га



мезбонлик қилган, қолаверса, спортни севувчи мамлакатимиз ёшларининг семил масканига айланган Сирдарё вилоятида болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда вилоятда IV — ТИП бо-

лалар спорт мажмуаси қўрилди, марказий ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси, мусика ва санъат мактаби, спорт зали реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 6 та умумтаълим мактабларида спорт заллари бунёд этилиб, уларга 98,1 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар етказиб берилди.

Замон талаблари асосида қўрилиб, фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва залларида малакали мураббийлар ва спорт усталари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Халқ таълими ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти филиали директори Норбобо Соатов.

Улар гўзаллик ва эңгилликка ошно, спортсевар ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли мусобақа ва тадбирларни кўпайтиришмоқда. Ҳар томон-



лама чиниққан ўғил-қизлар нафақат вилоятда, балки республика олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мисол учун спорт акробатикаси бўйича Наманган вилоятида ўтказилган Республика мусобақасида вилоятимиз вакили Ш.Пўлатова 3-ўринни, қўл тўпи бўйича Самарқандда ўтказилган кубокда терма жамоамиз 4-ўринни, спорт гимнастикаси бўйича Фарғона шаҳрида ўтказилган беллашувларда терма жамоамиз аъзолари 3-ўринни эгаллашди. Бундан ташқари, филиал ҳисобидан вилоятдаги мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг ҳар хил йўналишлари бўйича мусобақа ва тадбирларнинг тез-тез ўтказиб келинаётгани спортга меҳр қўйган ёшлар сони ортишига хизмат қилмоқда. Спорт билан мунтазам шугулланиб келадиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига филиалимиз 155,1 миллион сўмлик спорт кийимлари тарқатди. Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз ёшлари спортнинг қатор турлари билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган ёшларимиз ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлиб вояга етмоқда. Зеро, болалар спортини ёшларнинг соғлом турмуши кеңиришларига кафолат бўлиб хизмат қилаяпти.

Дарвоқе, ҳозир вилоятда мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг 20 минг нафарга яқин ўқувчилари дарсдан ташқари вақтларда спорт билан мунтазам шугулланаёпти. Бу албатта келажакимиз эгалари бўлиши ёш авлодининг ҳар томонлама кучли ва билимли бўлиб вояга етатиётганидан дарак беради.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири.

Бизнинг «Генерал» ошна

Ҳангома

Шу кун қайфиятим чоғ ҳолда талабалардан «йўлдош», кўп йиллик қадрдон дипломатимни силтаганча, ташкилот раҳбари кабинетига кириб бордим. Соқоли сал-пал ўсган, қадди анча букчайиб қолган, қиёфасидан чарчагани сезилиб турган ва бирвақтар юқори лавозимларда кўп йил ишлаган Фалончиев иш столига мук тушганча, чўкиб кетганди, нималаридир ёзиб ўтирарди. У менга вазмин боқиб-ю берган саломимга босиб тарзда алик олиб, ўтиришга чорлади...

Эсимда, мен у билан вилоят газетасида иш бошлаган пайтларим танишган эдим. Танишчилигимиз тобора кўюкляшиб, тўй-ҳашамларда ҳам бирга бўлардик. Улфатлар унинг пешволлик қобилиятини тан олиб, «генерал» дерди.

Қўнларнинг бирида унинг омади келиб, янада юқориқор мансабга эришди-ю, ҳузурига кел кабиларнинг қадами чеклаб қўйилди. Иттифоқо,

зарур иш билан борган тақдирда ҳам ёрдамчиси унинг ёнига йўлатмас эди.

Йиллар ўтиб, фалак гардиши ила «генерал» дўстимизнинг оёғи осмондан келиб, биз каби оддий инсонга айланди-қолди. Энди илгаригидек ошнаё ёронларни уни йўқламамас эди. Чўки қадамларимизни унинг ўзи «моҳирона» қирққан эди. У менга вазмин боқиб-ю деди:

— Кўринмай кетдингиз?

— Юқори лавозимда ишлаган кезларингиз сизга ҳалақат бермаслиққа ҳаракат қилдик, — дед олдим аранг.

— Мансаб-мансаб. Биласизми, у одамнинг кўзини кўр қилиб қўяр экан, атрофдагиларнинг қай бири ҳалолу қай бирининг ноқаслигини ажратолмай қоларкансан, — деди у афсус-надомат билан. — Мен лавозимимдан четлатилгач, ёнимда юмшоқ сўпурги бўлиб юрганларнинг даярли барчаси қаддини тийди. Улар энди янги раҳбарнинг пойгоҳини сўпурмоқда. Яқин қариндошлар ҳам узоклаш-

дилар. Ёлғизланиб, касалликка учраганимда, ҳатто кўп йиллик шахсий врачим ҳам қарамай қўйди. Кечагина соямга ҳам салом бериб юрганлар раҳбарлик йилларимдаги фаолиятимдан доғ, қилдан қўйиб қўйиб бошлади. Бироқ, ҳудудга шўқри, улар тиниб кетишди. Балки ўшанда қаламидоғлиги қилгандирман, раҳбарликини яхши юрғута олмагандирман. Аммо нафсимни тийиб, биронинг оғзини қонатмаганман. Акс ҳолда, аҳолим бундан бешбаттар бўлар эди. Мана, кўрнб турибсизки, эртанда айтилганидек: «эски тоғора, эски ҳаммом», — дея жимлайишга уринди «генерал»...

Мен унинг ишонасидан чиқар эканман, аслида иш бўйича олишга борган интервью ўрнига гўя сабоқли, кези келганда ҳаётини ва таъсири ҳикояга дўч келганини аңладим. Бир неча қаҳрим узокликдаги хонадонимга пиёда кетиб борадирман. Миямда эса фақат биргина фикр гўжон ўйнади: Халқ бежиз «нимани эксанг, шуни ўрасан», демайди ахир!

Бахтиёр ТЕМУР

Чет элларда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Чет элларда қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маълумотлар олиш, туриш шўҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан хорижда ишга жойлаштириш борасида билдириладиган тақдирлар аниқлик қилиш, шунингдек, одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида республикамиз фуқароларидан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган қўйдоғи «Ишонч телефони»га мурожаат қилишларини сўраймиз:

8(371) 232-27-88; 8(371) 252-13-61

Тошкент шаҳридаги «2-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини ҳушунд қилиш мақсадида янги русумдаги «Mercedes bens low floor connecto» ва «Isuzu» автобуслари қатновга қўйилаётганлиги муносабати билан «Д» тоифали хайдовчилар ҳамда чиптачиларини ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ойлик маошлари:

- «Mercedes бенц» автобусларида ишлайдиган хайдовчилар учун — 350 000 дан 500 000 сўмгача;
- чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.
- «Isuzu» автобусларида ишлайдиган хайдовчилар учун — 250 000 дан 350 000 сўмгача;
- чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.

Мурожаат учун телефонлар:

- 296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).

ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

Эртага стадионда учрашамиз

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жорий йилнинг 14 ва 18 ноябрь кунлари навбатдаги китъа чемпионати саралаш учрашувларини ўтказди. Малайзия терма жамоаси билан бўладиган мажкур ўйинларга миллий терма жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимов 23 нафар футболчини таклиф қилди.



Эртага «Жар» стадионда бўлиб ўтадиган ўйинда дарбозабон Санжар Қуватов («Машъал»), ҳимоячилар Александр Ковалев, («Металлур»), Мурод Холмухамедов («Пахтакор»), ярим ҳимоячи Зоҳир Пиримов («Олмалик») ва ҳужумчи Лоҳинбек Солиев («Бухоро») сингари футболчилар илк бор иштирок этиши мумкин. Шунингдек, ҳужумчилар рўйхатидан Самарқанднинг «Динамо»-сида ўзини кўрсата олган яна бир ёш ҳужумчи Баҳодир Насимов ҳам жой олган.

Терма жамоа таркибиде фақатгина икки нафар хорижда тўп сурадиган футболчилар бор. Булар — «Днепр» (Украина)дан ҳимоячи Виталий Денисов ва «Богемиян» (Чехия)дан ярим ҳимоячи Азиз Ибрагимовлар. Қозоннинг «Локомотив» клуби аъзоси, тажрибали Максим Шацкин эса бу сафар ҳам мураббийлар назаридан четда қолди.

Футзалчиларимиз учинчи бўлишди

Бразилиялик мутахассис Сержио Сапо бошчилигидаги Ўзбекистон мин футбол жамоаси Вьетнамда бўлиб ўтаётган ёпик спорт иншоотларидаги 3-Осиё ўйинлари доирасидаги футбол мусобақасида бронза медалларини кўлга киритишди.



Мини футболчиларимиз гуруҳ баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, пешқадам сифатида кейинги босқичга йўл олишди. Эътиборлики, ҳамюртларимиз мусобақанинг 1/4 финалида япониялик футболчиларни 5:3 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлдилар. Бу футболчиларимизнинг «қўнқар юрт» вакиллари устидан қозongan биринчи ғалабаси бўлди. Бунгача бўлиб ўтган бешта учрашувнинг тўрттасида терма жамоамиз аъзолари мағлубият аламини татиб қўришган эди.

Афсуски, мусобақанинг ярим финал учрашувиде вакилларимиз Таиланд терма жамоасига 1:3 ҳисобида имконият бой беришди. Туркменистонлик футболчиларга қарши учинчи ўрин учун қонган ўйинда эса Сапо шогирдларининг қўли балинд келди: 2:0. Бу ғалаба футболчиларимизга чемпионатнинг бронза медалларини тақдим этди.

Ғулом ХИДИРОВ

Adolat
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмонил САЙФИНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жовдатхон ИНОГОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАШЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририй рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси 100
Навбатчи муҳаррир — Даврон САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ